O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI JIZZAX VILOYATI HOKIMI QARORI

2022 - yil 5 - avgust 406-3-0-Q/22 Jizzax viloyati hokimligi

Бахмал туманидаги “Usanova Nazokat” фермер хўжалигига тегишли ер майдонининг 1,5 гектарини туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қисман қайтариш ва давлат рўйхатига олиш ҳамда “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармонининг ижросини таъминлаш, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 25 июлдаги 01/019-1226-сонли, Бахмал тумани ҳокимининг 2022 йил 8 июлдаги 01-2218-сонли хатлари ҳамда “Usanova Nazokat” фермер хўжалиги раҳбари С.Баратовнинг розилик аризасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5- ва 36-моддалари ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 10-моддасига асосан

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармасининг 2022 йил 25 июлдаги 01/019-1226-сонли, Бахамал тумани ҳокимининг 2022 йил 8 июлдаги 01-2218-сонли хатлари ҳамда “Usanova Nazokat” фермер хўжалиги раҳбари С.Баратовнинг розилик аризаси инобатга олинсин.

2. Бахмал тумани “А.Усанов” массиви ҳудудидаги туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобидан “Usanova Nazokat” фермер хўжалигига ғаллачилик йўналишида ажратиб берилган ер майдонларидан хўжалик харитасининг 336қ- ва 297қ-контурларидаги жами **1,5** гектар, шундан 1,0 гектар лалми, 0,5

гектар боғзор ер майдони туман ҳокимлиги захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қайтариб олинсин.

3. Ушбу қарорнинг қабул қилиниши муносабати билан “Usanova Nazokat” фермер хўжалигининг ҳисобида туманнинг “А.Усанов” массиви ҳудуди хўжалик харитасининг 297қ-, 336қ- ва 341-контурларида ғаллачилик йўналишида жами **36,3** гектар, шундан 30,8 гектар лалми, 5,5 гектар боғзор ер майдонлари қолган деб ҳисоблансин.

4. Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**)га захирага қайтарилаётган ер майдонини давлат мулки сифатида давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси (**Б.Бобоқулов**), Давлат кадастрлари палатаси вилоят бошқармаси (**Н.Сидиков**), “Жизвилерлойиҳа” вилоят бўлинмаси (**К.Холмуродов**) Бахмал тумани ҳокимлиги **(М.Анарбаев)** билан биргаликда захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётган мазкур ер майдонини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сонли Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 ноябрдаги 709-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикасининг “Ер кодекси” талабларига мувофиқ қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун очиқ электрон танлов орқали ижарага бериш чораларини кўрсин.

6. Бахмал тумани ҳокимлиги **(М.Анарбаев) уч кун ичида** 1,5 гектар ер майдонининг захира ерлар ҳисобига давлат мулки сифатида қайтарилаётганлиги туфайли “Usanova Nazokat” фермер хўжалиги раҳбарини огоҳлантирсин.

7. Бахмал тумани ҳокимлиги **(М.Анарбаев)**га ўз розилик аризаси билан ер майдонини қисман захира ерлар ҳисобига қайтараётган “Usanova Nazokat” фермер хўжалиги билан тузилган “Ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномаси”га ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

8. Барча хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналар раҳбарларига “Usanova Nazokat” фермер хўжалигининг ер майдони Бахмал тумани захира ерлари ҳисобига давлат мулки сифатида қисман қайтарилиши муносабати билан ўзаро ҳисоб-китобларни қайта кўриб чиқсин.

9. “Usanova Nazokat” фермер хўжалиги томонидан ер участкасидан

ихтиёрий воз кечилганлиги тўғрисидаги аризанинг ҳаққонийлиги учун жавобгарлик вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** ва бошқарма бошлиғи ўринбосари **И.Эргашев** ҳамда Бахмал тумани ҳокимлиги **(М.Анарбаев)** зиммасига юклатилсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **О.Ашурматов** ҳамда вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси бошлиғи **Б.Бобоқулов** зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Э.Салиев**